

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВ ХИКМАТИЛЛА АБДУХАЛИЛОВИЧ

**ИССИҚХОНАЛАРДА ҚОВУН ДАРАХТИНИ (CARICA PAPAYA L.)
ЕТИШТИРИШНИНГ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Адилов Хикматилла Абдухалилович

Иссиқхоналарда қовун дарахтини (*Carica papaya L.*) етиштиришнинг
интенсив технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Адилов Хикматилла Абдухалилович

Разработка интенсивной технологии выращивания дынного дерева (*Carica
papaya L.*) в теплицах 19

Adilov Hikmatilla Abduhalilovich

Development of an intensive technology for growing melon tree (*Carica papaya
L.*) in greenhouses 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВ ХИКМАТИЛЛА АБДУХАЛИЛОВИЧ

**ИССИҚХОНАЛАРДА ҚОВУН ДАРАХТИНИ (CARICA PAPAYA L.)
ЕТИШТИРИШНИНГ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx180 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Буриев Хасан Чутбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кожаметов Саветбек Кожаметович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Жўраев Эркин Бахтиёрвич
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ётақчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5392047-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қовун дарахти (*Carica papaya L.*) ҳосилдорлиги бўйича мевали ўсимликлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Унинг ҳосилдорлиги гектарига 150 тоннани ташкил этади. Қовун дарахтининг барглари тиббиётда дунёнинг кўпгина мамлакатларида овқат ҳазм қилиш трактининг кўпгина касалликлари – ошқозон яраси, колит, яллиғланиш касалликларини даволашда кенг қўлланилади.¹ Озиқ-овқат, ҳам фармокологик нуктаи назардан қовун дарахтининг энг қимматли навларини республикага интродукция қилиш, етиштириш агротехникасининг барча элементларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Дунё бўйича йилига 12 млн. 700 минг тоннадан ортиқ қовун дарахтини ишлаб чиқарувчи, етакчи мамлакатлар Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Австралия, Непал, АҚШ, ЖАР, Нигерия ва бошқалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда қовун дарахтини етиштириш ва ишлаб чиқаришда унинг сифатли меваларга эга бўлган юқори маҳсулдор навларни яратиш, янги яратилган қовун дарахтининг навлари ва дурагайлариининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш, меваларнинг биоимёвий таркибини аниқлаш, уларни қайта ишлаш, доривор препаратлар ишлаб чиқариш, ўсимликнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга катта эътибор қаратилган. Марказий Осиё минтақасида қовун дарахтини етиштириш технологияси бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунга қадар олиб борилмаган, фақатгина меваларининг фармакологик хусусиятларини ўрганиш бундан мустаснодир. Янги мевалари ва доривор препаратлар, фито ичимликлар, озиқ-овқат концентратлари ва настойкалари учун республикада ушбу ўсимликни йирик масштабда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бу борада фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурдир.

Республикаимизда сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва мевали ўсимликлар майдонини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида охириги йилларда ноанъанавий янги мева экинларини интродукция қилишга эришилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... худудларнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш»² муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Бироқ, янги интродукция қилинган қовун дарахти каби ноанъанавий мева экинларининг етиштириш технологияси бўйича илмий изланишларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистонда қовун дарахтини етиштириш бўйича фундаментал илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги ҳамда илмий асосланган тавсиялар етарли бўлмаганлиги сабабли у кичик майдонларда

¹ <http://www.virtualorchard.net/idfta/cft/2002/august/page67.pdf>; ² <http://www.worldatlas.com/articles/top-apple-producing-countries-in-the-world.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

етиштирилмоқда. Шу боисдан бу экиннинг озуқа ва шифобахш хусусиятларини тадқиқ қилиш, республиканинг тупроқ-иқлим шароитига мос серхосил нав ва дурагайларини танлаш ҳамда уларни етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш, уни фермер хўжаликлари ва аҳолига кенг тарқалишини таъминлаш мевачилик соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди, 2019 йил 30 мартдаги ПҚ-4246-сонли «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қовун дарахтининг селекцияси, унинг меваларини янгилигида ҳамда қайта ишланган ҳолда истеъмол қилиш учун етиштириш технологиялари, шунингдек ундан фармакологиядан фойдаланиш йўналишларида илмий тадқиқотлар Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Мексика, Африка, АҚШ, Нигерия, Непал Австралия, Миср, ЖАР, Кения, Россия, Грузия ва бошқа шу каби қатор мамлакатларда олиб борилмоқда. Ушбу давлатларда йилига 12 млн. 700 минг тонна қовун дарахтининг меваси етиштирилмоқда. Ушбу ўсимлик устида илмий тадқиқотлар Ҳиндистонда M.Reni, K. Shilla, N. Agraval, P. Dybey, Австралияда – P.V.Carne, B.K.Cantrell, R.J.Elder, W.N.Maellad, АҚШда – R.A.Conover, R.E.Litz, S.Emalo, T.Marler, Мексикада – E.Mora, A.Bogantes, Сальвадорда – G.H.Berg, Кенияда – R.S.Copeland, R.A.Wharton, Непалда – G.Dahal, G.H.Zecog, Россияда – А.М.Вафула, Грузияда – Y.Z.Yadava, A.J.Burris каби олимлар томонидан олиб борилган.

Ушбу муаллифлар томонидан олиб борилган изланишлар қовун дарахтини ҳам озиқ-овқат, ҳам фармакология мақсадлари учун етиштиришнинг юқори иқтисодий самарали эканлигини кўрсатади. Бунга боғлиқ равишда, модомики ушбу қовун дарахти республика учун янги ҳисобланар экан, у ҳолда диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган КХА-9-149-2015 «Ўзбекистонда папаяни (қовун дарахти) саноат асосида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 й.й) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқхона шароитида қовун дарахтини етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қовун дарахтининг уруғларини унувчанлик сифатларини оширувчи агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш;

қовун дарахти кўчатларини етиштириш учун қулай сунъий субстрат ва тувакчаларнинг қулай ҳажмий нисбатини аниқлаш;

қовун дарахтини ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигини ошириш имконини берувчи қулай экиш схемалари таъсирини илми й асослаш;

қовун дарахти мевасининг биокимёвий таркибини аниқлаш ва уларни органолептик баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб қовун дарахтини хориждан интродукция қилинган Solo, Adjo Bunder ва Guyearat навлари, шунингдек ушбу навларнинг уруғлари, кўчатлари, ўстирувчи моддалар, дарё қуми, чиринди ва биогумус хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қовун дарахтини интродукция қилинган навлари уруғларининг унувчанлиги, уруғларнинг унувчанлигини ошириш усуллари, кўчат етиштириш учун сунъий субстратлар ва тувакчаларнинг қулай ҳажмий нисбатлари, иссиқхона шароитида қовун дарахтини қулай жойлашиш қалинлиги, асосий минерал ўғитларни бериш меъёрлари, қовун дарахтининг маҳсулдорлиги, уларнинг биокимёвий таркиби ва озукавийлигининг органолептик баҳоси, шунингдек иссиқхонадан фойдаланишнинг иқтисодий мақбуллиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қовун дарахти етиштириш технологиясининг энг муҳим элементларини лаборатория, дала тажрибалари ва ишлаб чиқаришда синаш мевачиликда умумқабул қилинган қуйидаги услублар ва услубий кўрсатмалар бўйича ўтказилди: «Полевые опыты с плодовыми деревьями» С.Пирс, 1969; «Мевали ва резавор мева ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» Х.Ч.Буриев, Н.Ш.Енилеев ва б. 2014; «Изучение динамики роста побегов, формирования почек и цветков у плодовых растений» В.Л.Витковский, 1979; «Методика полевого опыта» Б.А.Доспехов, 1979; «Методы агрохимических исследований» П.В.Протасов, 1977; «Практикум по биохимии растений» Б.П.Плешков, 1976; «Методические рекомендации по экономической оценке результатов агротехнических исследований в садоводстве и плодовом питомнико водстве» А.М.Шестопал; «Методические указания по агротехническим опытам с плодовыми и ягодными культурами» Н.Д.Спиваковский.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонга қовун дарахтининг Solo, Adjo Bunder ва Guyearat навлари интродукция қилинган, улар сифатининг лаборатория таҳлили ўтказилган ва уларни уруғларининг унувчанлик сифатларини оширувчи агротехник тадбирлар ишлаб чиқилган;

қовун дарахтини кўчатлари етиштириш учун қулай сунъий субстрат ва тувакчаларнинг қулай ҳажмий нисбати аниқланган;

қовун дарахтининг иссиқхонада етиштириш технологиясининг мақбул

элементлари танланган – экиш схемаси, асосий минерал ўғитларни (NPK) бериш меъёри оптималлаштирилган;

қовун дарахтини етиштириш элементларини ўзгартириш ҳисобига навдор ўсимликларда генератив аъзолар ва ҳосилнинг шаклланиш хусусиятлари аниқланган;

қовун дарахтининг мевасини биокимёвий таркибини аниқланган ва улар органолептик баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қовун дарахтини уруғларининг унувчанлиги ва унишини самарали ошириш учун уруғларни индолилсирка кислотасининг 25 мг/л сувли эритмасида 8 соат ишлов бериш лозимлиги аниқланган;

торф-қум-чиринди ва биогурус-қум-чиринди каби сунъий субстратларни 0,4:0,2:0,4 нисбатда қўллаш ва бунда 15x15 см ўлчамли тувакчалардан фойдаланиш қовун дарахти кўчатларининг ривожланиш шароитларини яхшилаши кўрсатилган;

қовун дарахтининг кўчатларини иссиқхонага 3,5x3,5 ёки 4,0x4,0 м. схемада ўтказиш, уларнинг йиллик ривожланиши даврида минерал ўғитларни N₁₆₀P₇₀K₄₀ кг/га ҳисобидан бериш лозим, бунда ўсимликларнинг ривожланиши ва юқори ҳосил бериши учун қулай шароит таъминланиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория дала тажрибаларининг ҳар йили ТошДАУ апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг мевачилик ва узумчилик кафедрасида, факультет ва университет илмий-услубий кенгашида муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик ва камерал таҳлил қилинганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикага хориждан интродукция қилинган қовун дарахтининг навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганилганлиги, қовун дарахтининг уруғларини унувчанлик сифатлари аниқланганлиги ва иссиқхонада ўсимликлар маҳсулдорлигини оширувчи асосий агротехника элементлари ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қовун дарахтларининг уруғлари унувчанлигини оптималлаштирилганлиги, қовун дарахти кўчатларини етиштириш учун тувакчаларнинг қулай ҳажми ва озукавий сунъий субстрат тури танланганлиги, иссиқхонада ўсимликларни жойлаштириш схемаси ва йиллик ўсиш доирасидаги озуқа меъёри (NPK) оптималлаштирилганлиги, навлар коллекциясидан иссиқхона шароитларининг экологик омилларига яхши мослашган навлар танланганлиги, юқори сифатли кўчатлар олиш учун уруғларни ўлчами ва вазни бўйича танлаш шароитларининг аниқланганлиги, кўчат етиштириш учун қулай ҳажмли тувакчалар ва сунъий субстрат танланганлиги, иссиқхонада ўсимликларни жойлаштириш схемаси оптималлаштирилганлиги, йиллик ривожланиш доирасида шох-шаббага шакл бериш усули ва ўсимликларнинг сув-озуқа тизими аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш натижасида:

фермер хўжаликлари ва ҳаваскор боғбонлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларининг «Мевачилик» йўналиши табалари учун «Ўзбекистон шароитида қовун дарахтини етиштириш технологияси» номли тавсиянома ҳамда «Разработка технологии промышленного выращивания папайи (*Carica papaya L.*) в Узбекистане» номли монография чоп этилган ва ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилмоқда (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 июндаги 02/030-612-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома ва монографияда қовун дарахтини етиштириш атротехникасини батафсил ўрганиш ва қовун дарахтини етиштиришда асосий қўлланмалар сифатида хизмат қилган;

экиш схемаларини қовун дарахтининг ҳосилдорлигига таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Salar-Nuritdinov Pahriddin» фермер хўжалигида 0,10 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 июндаги 02/030-612-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 15885024 сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган;

шоҳ-шаббага шакл бериш усулининг иссиқхона шароитида қовун дарахтини ҳосилдорлигига таъсири технологик ишланмаси Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «ASS» масъулияти чекланган жамияти 0,10 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 июндаги 02/030-612-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 14430000 сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган;

иссиқхона шароитида қовун дарахтининг ҳосилдорлигига минерал озуқа элементларининг таъсири технологик ишланмаси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида 0,10 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 июндаги 02/030-612-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 14213341 сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та тавсиянома ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Қовун дарахтининг ботаник таърифи, хўжалик аҳамияти ва етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз адабий нашрлари маълумотлари шарҳланган. Бунда қовун дарахтини навлари ва турларининг келиб чиқиш ва шаклланиш жойларига кўра ботаник таърифи, қовун дарахтини ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, ўсимликни ривожланишининг биологик хусусиятлари, чангланиш усуллари, генератив аъзоларининг морфологик хусусиятлари, ўсимликларнинг биотик ва абиотик омилларга муносабати, шунингдек қовун дарахтини етиштириш технологиясига оид маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги ёритилган. «Тадқиқот мақсади, вазифаси, объектлари ва услублари» бўлимида тадқиқотларни ўтказиш услуги, тажрибаларни олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Қовун дарахтининг уруғлари униши ва кўчатларининг ривожланишини таъминловчи шароитлар»** деб номланган учинчи бобининг «Қовун дарахти кўчатларини уруғидан етиштириш технологияси» бўлимида қовун дарахтининг уруғларини лаборатория ва дала унувчанлигини оширишга бағишланган тажриба маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қовун дарахтини Solo нави уруғларига экишолди ишлов бериш уруғларнинг умумий унувчанлигига ҳам, майсаларнинг униб чиқиш энергиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Уруғлар унувчанлигининг ортиши учун энг яхши шароит уруғларга ИСК эритмаси (25 мг/л сув) билан экишолди ишлов берилган тажриба вариантыда кузатилди. Ушбу вариантда майсаларнинг тўлиқ пайдо бўлиши 33 кунда яқунланди, бу вақтда қуруқ уруғлар экилган вариантда у 49 кунгача чўзилди. Уруғлар ИСК эритмасида ивигилган вариантда уруғларнинг униш энергияси бутун униш даври мобайнида қуруқ уруғлар экилган вариантга нисбатан 1,8 марта юқори бўлди. Қовун дарахтининг Adjo Bunder ва Guyarat навларида уруғларнинг униш кўрсаткичлари деярли бир хил бўлди (1-расм).



1-расм. Экишдан олдин ишлов беришга боғлиқ равишда қовун дарахтининг Solo нави уруғларини униш фазасининг динамикаси, кун ҳисобида, 2015-2016 й.й.

Диссертациянинг «Қовун дарахти кўчатларининг ривожланишига субстратли тувакчалар ҳажмининг таъсири» деб номланган бўлимида торф-қум-чиринди ва биогумус-қум-чиринди каби сунъий субстратларни 0,4:0,2:0,4 нисбатидаги аралашмаси билан тўлдирилган ҳар хил ҳажмли полиэтилен тувакчаларнинг ҳажми аниқлаган. Натижалар шуни кўрсатдики қовун дарахтининг кўчатларини ривожланиши учун энг яхши шароит, уларни ўлчами 15x15 см бўлган тувакчаларда етиштирилганда таъминланади. Ушбу ҳолатда қовун дарахтининг кўчатлари уч ойлик ёшида 26,0 см га етади ва 16-18 дона баргга эга бўлади (1-жадвал).


1-жадвал

Қовун дарахти кўчатларининг уч ойлик умумий ривожланиш кўрсаткичларига сунъий субстратлар ҳажмининг таъсири, 2015-2016 й.й.

Кўрсаткичлар	Кўчатларни ўстириш бўйича тажриба варианты					
	тупроқда	5x5 см ўлчамли тувакчада	10x10 см ўлчамли тувакчада	15x15 см ўлчамли тувакчада	ЭКФ ₀₅	Sx, %
Solo нави						
Бўйи, см	26,3	21,3	24,3	26,0	0,5	0,3
Бир ўсимликдаги барглар сони, дона	19,6	16,6	18,0	19,7	0,5	0,4
Илдиз тизими вазни, г	5,15	2,14	3,42	5,02	0,1	0,3
Adjo Bunder нави						
Бўйи, см	23,2	17,0	20,9	23,5	0,4	0,3
Бир ўсимликдаги барглар сони, дона	16,7	13,1	14,2	16,5	0,3	0,3
Илдиз тизими вазни, г	4,82	1,98	3,51	4,67	0,5	0,2
Guarat нави						
Бўйи, см	26,4	18,8	24,0	26,2	0,7	0,5
Бир ўсимликдаги барглар сони, дона	18,2	15,1	16,2	18,1	0,5	0,5
Илдиз тизими вазни, г	5,17	2,72	3,60	4,95	0,1	0,4

Диссертациянинг «Қовун дарахтининг кўчатларини ўсиши ва ривожланишига ҳар хил сунъий субстратларнинг таъсири» деб номланган бўлимида қовун дарахтини Solo, Adjo Bunder ва Guyarat навлари кўчатларининг чим тупроқ, чиринди, биогумус, торф ва дарё куми каби субстратлардаги ривожланиши тадқиқ қилинган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсимликларнинг умумий ўсиши уларнинг тури ва комбинацион нисбатига боғлиқ. Қовун дарахтининг ўрганилган навлари кўчатларининг илдиз тизими торф ва чиринди каби моносубстрат турларида энг муваффақиятли ривожланди. Ушбу тажриба вариантларида уч ойлик қовун дарахтининг кўчатлари хом вазни ўрганилган навлар кесимида 14,5-15,1 грамм атрофида ўзгарди. Қовун дарахтини синалган навларидан ушбу тажриба вариантларида энг яхши ривожланган илдиз тизимига Solo (15,12 грамм), камроқ – Adjo Bunder нави (14,88 грамм) эга бўлди (2-расм).



2-расм. Қовун дарахтини Solo нави уч ойлик кўчатларининг моносубстратларда ривожланиши, 2015-2016 й.й.


Сунъий субстратларнинг 0,4:0,2:0,4 нисбатдаги аралашмаси қўлланилган вариантлардан коллекцион навлар кўчатларининг энг яхши ривожланиши торф – кум – чиринди ва биогумус – кум – чиринди каби комбинацияларда қайд этилди. Ушбу субстратлар аралашмаси қўлланилган тажриба вариантларида қовун дарахтининг кўчатлари бўйича яққол фарқланиш қайд этилди. Ушбу тажриба вариантларида кўчатларнинг илдиз тизими 15,57 – 17,53 граммга етди, яъни энг яхши деб топилган моносубстратларда (торф ва чиринди) ривожланган кўчатлар кўрсаткичидан 27,5-30,4% га ортиқ бўлди. Синалган навдор кўчатлар илдиз тизимининг энг суст ривожланиши қўлланилган субстратлардан чим ер тупроғида қайд этилди. Ушбу ҳолатда кўчатлар илдиз тизимининг хом вазни 12,96-15,56 граммни ташкил этди, бу эса торф – кум – чиринди ва биогумус – кум – чиринди каби субстрат аралашмаларида ўстирилган кўчатлар кўрсаткичидан 1,9 марта кичик демакдир.

Қовун дарахти кўчатлари ер устки қисмининг ривожланиши ҳам илдиз тизими каби корреляцион боғлиқлик тенденциясига эга бўлди. Кўчатлар ер

устки қисмининг ривожланиши учун энг яхши шароит торф – қум – чиринди ва биогумус – қум – чиринди каби субстрат аралашмалари қўлланилганда юзага келди.

Бундай шароитларда ривожланган уч ойлик кўчатлар ер устки қисмининг хом вазни нав хусусиятларига боғлиқ равишда 25,90-35,77 граммни ташкил этди. Тажрибада энг кучли ривожланган ер устки қисмига қовун дарахтининг Solo нави эга бўлди – 75,77 грамм. Ушбу кўрсаткичнинг энг кичик қиймати Adjo Bunder навида қайд этилди – 31,11 грамм.

Кўчатларни чим ер тупроғида ўстириш кам самарали бўлиб чиқди, негаки ушбу ҳолатда олинган кўчатлар морфологик ривожланишнинг барча параметрлари бўйича энг кичик кўрсаткичларга эга бўлди. Сунъий субстратларнинг энг мўътадил шароитларида (торф – қум – чиринди ва биогумус – қум – чиринди) ўстирилган кўчатлар умумий ривожланиш кўрсаткичлари чим ерда ўстирилган кўчатлардан 53,0-56,0% га юқори бўлди (3-расм).



3-расм. Қовун дарахтини Solo нави уч ойлик кўчатларининг аралашма субстратларда ривожланиши, 2015-2016 й.й.

Диссертациянинг «Иссиқхона шароитида қовун дарахтининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига асосий агротехник тадбирларнинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобининг «Қовун дарахтини Solo нави ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига кўчатларни экиш схемаларининг таъсири» бўлимида қовун дарахтини Solo нави ўсимликларининг ривожланиши учун энг яхши экиш схемаси 3,5х3,5 метр ҳисобланади, бундай озикланиш майдонида алоҳида ўсимликлар шох-шаббасининг баландлиги саккиз ойлик ёшида 0,45 м., эни эса 2,06 метрга етади, уларда 56 донагача барг шаклланади, бу вақтда зичлаштириб экилган вариантларда ушбу кўрсаткичлар 1,6 марта паст бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Қовун дарахтининг Solo нави саккиз ойлик ўсимликларида ер устки қисмининг ривожланиш кўрсаткичлари, 2016-2017 й.й.

Экиш схемаси, м	Танасининг баландлиги, м	Шох-шаббасининг диаметри, м	Шох-шаббасининг баландлиги, м
1,0x1,0 – назорат	0,89	1,12	0,32
1,5x1,5	0,82	1,41	0,38
2,0x2,0	0,79	1,55	0,40
2,5x2,5	0,76	1,79	0,42
3,0x3,0	0,72	1,86	0,46
3,5x3,5	0,71	2,05	0,44
4,0x4,0	0,69	2,06	0,45
ЭКФ ₀₅	0,04	0,1	0,02
Sx,%	4,0	3,8	4,7

Озиқланиш майдони ортган сари бир ўсимликдаги эркак гуллар сони 11,5 дан 7,1 донагача, яъни 1,6 марта камаяди. Урғочи гуллар эса аксинча, ҳар бир ўсимликда 4,0 донадан 17,0 донагача, яъни 4,2 марта ортади.

Ўсув даврининг иккинчи йилида сийрак (3,5x3,5 метр) экилган ўсимликларда оғирлиги 2,02 кг гача бўлган 16 тагача мева шаклланди, умумий ҳосилдорлиги 26,76 т/га ни ташкил этди. Зичлаштириб (1,0x1,0 метр) экилганда оғирлиги 0,33 кг бўлган тўрттагача мева шаклланди, умумий ҳосилдорлик 11,61 т/га бўлди. Қовун дарахтининг Solo навини етиштиришнинг максимал самарадорлиги ўсимликлар иссиқхонанинг майдон бирлигида 3,5x3,5 метр схемада жойлаштирилганда таъминланади, бунда ҳосилдорлик 26,76 т/га, меваларни реализаци қилишдан олинadиган соф фойда 168 млн 235 минг сўм/га ва ишлаб чиқариш рентабеллиги 169,3% гача етади (3-жадвал).

3-жадвал

Қовун дарахтининг Solo нави саккиз ойлик кўчатларининг маҳсулдорлиги ва уларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, 2016-2017 й.й.

Экиш схемаси, м.	Меванинг ўртача вазни, кг	Ҳосил, тонна/га	Соф фойда, сўм	1 кг мева таннархи, сўм	Ишлаб чиқариш рентабеллиги, %
1,0x1,0 – назорат	0,33	11,61	7691670	8930	7,0
1,5x1,5	0,52	12,25	19208370	8431	18,5
2,0x2,0	0,81	15,92	6522066	5903	69,3
2,5x2,5	1,54	16,64	66369315	6011	66,3
3,0x3,0	1,73	20,50	105788121	4830	106,6
3,5x3,5	2,02	26,76	168235949	3713	169,3
4,0x4,0	2,05	25,94	159510030	3846	160,0
ЭКФ ₀₅	0,21	0,1	0,6	-	-
Sx,%	2,1	1,1	3,8	-	-

Диссертациянинг «Иссиқхона шроитида қовун дарахтининг Solo нави ўсимликларининг ўсиш ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири» деб номланган бўлимида қовун дарахтининг Solo нави ўсимликларининг ривожланишига асосий минерал ўғитлар (NPK) меъерининг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қовун дарахтларида юқорида келтирилган тартибдаги илдизларнинг ривожланиши учун энг яхши шароит $N_{160} P_{70} K_{40}$ ва $N_{180} P_{80} K_{45}$ кг/га ҳисобидан ўғит берилган тажриба вариантларида қайд этилди. Тажрибанинг ушбу вариантларида қовун дарахтини Solo навининг ривожланиши деярли бир хил бўлди, шу боис $N_{160} P_{70} K_{40}$ кг/га меъерида ўғит берилган тажриба вариантыда энг мўътадил деб ҳисоблаш мумкин.

Асосий минерал ўғит турлари мужмуини бериш уларнинг ўсимликлар томонидан дастлабки берилган пайтидан бошлаб, бутун ўсув даври мобайнида яхши ўзлаштирилишига имкон берди. Озиқлантиришнинг бундай фони шароитларида олти ойлик тажриба ўсимликларида марказий пояда 11 дан 33 донагача, ён шохларда эса 18 дан 64 донагача барг ҳосил бўлди ва ҳар бир ўсимликда фаол баргларнинг умумий сони 34-96 донагача етди. Ўғит берилмаган назорат варианты ўсимликларида ушбу қиймат 1,3 марта кам бўлди. Яъни, ассимиляция апаратнинг шаклланиши бўйича ушбу ўсимликларнинг яхши ўғитланган ўсимликларга нисбатан орқада қолиши 260-325% ни ташкил этди.

Қовун дарахтининг Solo навини озиқланиш шароитларини оптималлаштириш ҳам ер устки ва илдиз тизимининг ривожланишига, ҳам генератив аъзоларнинг шаклланишига юқори даражада таъсир кўрсатди.

Озиқлантиришни оптималлаштириш шароитлари ўсимликларда гулларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Аксарият бундай ўсимликларда урғочи ва гермафродит гулларнинг улуши сезиларли ортди – 71 дан 82% гача. Ҳар хил меъёрда ўғит берилган тажриба вариантлари ўсимликларида эркак гулларнинг шаклланиши ўртача 18 дан 29% гача ораликда ўзгарди. Ўғит беримасдан етиштирилган назорат варианты ўсимликларида урғочи ва гермафродит гуллар улуши пасайиб кетди ва ўртача 53% ни ташкил этди. Мос ҳолда, бир ўсимликда ривожланган гулларга нисбатан эркак гуллар улуши 47% гача ортди. Озиқлантириш фонида парваришланган ўсимликларга нисбатан эса эркак гуллар улуши 24% га кўпроқ бўлди. Минерал ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрларидан фойдаланиш ўсимликларда ривожланган мевалар сонини ҳам ўзгартирди.

Энг кўп – 18 донагача миқдордаги мевалар $N_{160} P_{70} K_{40}$ ва $N_{180} P_{80} K_{45}$ кг/га озиқлантириш фонида парваришланган қовун дарахтларида қайд этилди. Ўғит берилмаган назорат вариантыда ушбу сон 6 донага тенг бўлди, яъни 2,3 марта кам бўлди. Қўлланилган минерал ўғит турига ва уларни бериш меъёрлари бўйича турли тажриба вариантларида умумий ҳосилдорлик мос ҳолда қуйидагини ташкил этди: ўғит берилмаган назорат вариантыда – 3,42 т/га; минерал озиқлантиришнинг $N_{100} P_{40} K_{25}$ кг/га фонида – 15,3 т/га; $N_{120} P_{50} K_{30}$ кг/га – 25,6 т/га, $N_{120} P_{60} K_{30}$ кг/га – 16,5 т/га, $N_{160} P_{70} K_{40}$ кг/га – 33,9 т/га, $N_{180} P_{80} K_{45}$ кг/га – 34,5 т/га (4-жадвал).

**Ўғит бериш меъёрига боғлиқ равишда қовун дарахтининг Solo навини
икки ёшли дарахтларининг ҳосилдорлиги, 2017-2018 й.й.**

Тажриба варианты	Бир ўсимликдаги мевалар сони, дона	Меванинг ўртача вазни, кг	Бир ўсимлик ҳосили, кг	Жами ҳосил, т/га
Ўғит берилмаган – назорат	8,2	0,5	4,2	3,42
N ₁₀₀ P ₄₀ K ₂₅ кг/га	15,3	1,8	27,5	22,44
N ₁₂₀ P ₆₀ K ₃₀ кг/га – назорат	16,5	2,1	34,6	28,23
N ₁₂₀ P ₅₀ K ₃₀ кг/га	15,7	2,0	31,4	25,62
N ₁₄₀ P ₆₀ K ₃₅ кг/га	17,2	2,2	37,8	30,84
N ₁₆₀ P ₇₀ K ₄₀ кг/га	18,1	2,3	41,6	33,94
N ₁₈₀ P ₈₀ K ₄₅ кг/га	18,4	2,3	42,3	34,51
ЭКФ ₀₅	0,8	0,03	0,6	0,8
Sx, %	4,9	3,5	4,1	4,4

Диссертациянинг «Қовун дарахтини навлари меваларининг озуқавий ҳамда физиологик қиммати» деб номланган бўлимида қовун дарахтини Solo, Adjo Bunder ва Guyarat навлари меваларининг кимёвий таркиби ва органолептик кўрсаткичлари ўрганилган.

Тадқиқ қилинган мевалардан углеводларнинг энг кўп миқдори – 100 грамм ҳўл моддада 7,2 грамм қовун дарахтининг Solo навида қайд этилди. Adjo Bunder ва Guyarat навларида унинг миқдори деярли бир хил даражада бўлди ва ўртача 6,54-6,87 граммни ташкил этди. Углеводлардан қовун дарахтини навлари меваларида сахароза энг кам миқдорда бўлди ва унинг миқдори ўртача 510-650 граммни ташкил этди. Глюкоза ва фруктозанинг сахароза нисбати деярли уч қарра юқори бўлганлиги аниқланди.

Қовун дарахтининг мевасини таркибида пектин толаларининг миқдори, 100 грамм ҳўл моддада, 1400-1580 грамм оралиғида бўлди ва навлар кесимида сезиларли фарқланиш қайд этилмади.

Қовун дарахтининг меваларини биокимёвий таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, витаминлардан ликопиннинг миқдори энг юқори – 1700-1815 микрограммни ташкил этди. Мева таркибидаги миқдори бўйича иккинчи ўринни β-каротин эгаллади ва унинг миқдори, 100 грамм ҳўл моддада, 140,9-144,2 микрограммни ташкил этди. Навлар бўйича С витаминининг миқдори, 100 грамм ҳўл моддада, 73,0-77,9 микрограмм атрофида ўзгарди. Тадқиқ қилинган навлардан витаминларнинг энг юқорилиги билан Solo нави ажралиб турди ва унинг мевалари таркибида витаминлар миқдори, 100 грамм ҳўл моддада, 77,9-1815,0 микрограммни ташкил этди (5-жадвал).

Ўрганилган қовун дарахти навларининг органолептик баҳоси уларнинг умумий ўртача 4,4 ва 4,8 балл баҳога эга бўлган юқори товар ва озуқавий сифатларини аниқлаш имконини берди.

Қовун дарахтини меваларидаги углеводларнинг таркибига нав хусусиятларининг таъсири, 2017-2018 й.й.

Навлар	100 г. хўл моддада, микрограмм							
	сахароза	глюкоза	фруктоза	озукавий тодалар	С витамини	β-каротин	А витамини	ликопин
Solo	650	3510	3040	1580	77,91	144,22	64,54	1815,01
Guyarat	530	3510	2910	1430	73,22	142,13	62,90	1702,02
Adjio Bunder	510	3470	2890	1400	73,03	140,91	62,70	1700,05

Ўрганилган навлардан ушбу белгилар бўйича Solo навининг мевалари ажралиб турди ва ушбу нав Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштириш учун тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари навлари давлат реестрига киритиш учун тавсия этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қовун дарахтининг уруғларини сувда 16 ва 24 соат, шунингдек ИСК нинг 25 мг/л. сувли эритмасида 8 соат давомида ивитиш майсаларнинг униб чиқишини ивитмасдан экилганга нисбатан 8-9 кунга тезлаштирди. Уруғларга ишлов беришнинг ушбу вариантларида майсаларнинг униб чиқиши ўртача 33 кунда яқунланди, бу вақтда қуруқ уруғлар экиганда у 49 кунни ташкил этди, яъни 16 кунга кечикди.

2. Қовун дарахти кўчатларининг ривожланиши учун энг яхши шароит уруғлар 15x15 см ҳажмли тувакчаларга экилганда қайд этилган. Бундай шароитларда қовун дарахти кўчатларининг бўйи уч ойлик ёшида 26,0 см га, барглари сони 18 тага ва илдиз тизимининг оғирлиги 4,67-5,02 граммга етди. Кичик ҳажмли субстратлардан фойдаланиш қовун дарахти кўчатларининг умумий ривожланишини 30,4% гача пасайтирди.

3. Сунъий субстратларнинг 0,4:0,2:0,4 нисбатдаги аралашмаси қўлланилган вариантлардан коллекцион навлар кўчатларининг энг яхши ривожланиши торф – кум – чиринди ва биогумус – кум – чиринди каби комбинацияларда қайд этилди. Ушбу тажриба вариантларида кўчатларнинг илдиз тизими 15,57 – 16,75 граммга етди, яъни моно субстратлар қўлланилган энг яхши вариантга нисбатан (торф ва чиринди) 27,5-30,4% га юқори бўлди.

4. Қовун дарахтини Solo навининг ривожланиши учун энг яхши шароит ўсимликлар 3,5x3,5 ва 4,0x4,0 метр схемада, яъни мос ҳолда 12,25 ва 16,00 м² озикланиш майдонида экилганда юзага келди. Ушбу ҳолатда алоҳида ўсимликлар шох-шаббасининг баландлиги 0,45 метр, эни 2,06 метрга етди. Бирмунча зич – 1,0x1,0 ёки 1,5x1,5 метр схемада ўсимликларнинг ривожланиши ўртача 13-17% гача сусаяди.

5. Озикланиш майдони ортган сари бир ўсимликдаги эркак гуллар сони 11,5 дан 7,1 донагача, яъни 1,6 марта камаяди. Урғочи гуллар эса аксинча, ҳар бир ўсимликда 4,0 донадан 17,0 донагача, яъни 4,2 марта ортди. Бундай шароитларда ўсимликлар иккинчи йилида 16 тагача мева ҳосил қилди. Ушбу меваларнинг вазни қулай (3,5x3,5 метр) вариантда 2,02 кг гача борди.

6. Қовун дарахтининг Solo навини етиштиришнинг максимал самарадорлиги ўсимликлар иссиқхонанинг майдон бирлигида 3,5x3,5 метр схемада жойлаштирилганда таъминланди, бунда ҳосилдорлик 26,76 т/га, меваларни реализация қилишдан олинадиган соф фойда 168 млн. 235 минг сўм/га ва ишлаб чиқариш рентабеллиги 169,3% гача етди.

7. Қовун дарахтини етиштиришда минерал ўғит беришнинг мўътадил меъёри қўлланилган ўсимликларда 71 дан 82% гача урғочи ва гермафродит типдаги гуллар шаклланди, эркак гуллар миқдори эса камаяди, бу вақтда ўғитланмаган фонда эркак гуллар миқдори 47% гача етди.

8. Қовун дарахтини меваларида оксиллар миқдори, 100 грамм хўл моддада, 0,49 дан 0,64 граммгача ўзгарди. С витамини концентрацияси физиологик пишиб етилган даврда, 100 грамм хўл моддада, 77,91 микрограммгача етди. Бу эса Solo навининг ўртача бир килограммлик мевасига ҳисобланганда, инсоннинг С витаминига бўлган кунлик талабига нисбатан 0,15 га тўғри келди.

9. Физиологик пишиб етилган даврда мева таркибида А витамини, бета-каротин ва ликопин максимал тўпланиши билан Solo нави ажралиб турди, 100 грамм хўл моддада, мос ҳолда 64,54; 144,22 ва 1815,01 микрограмм бўлди. Ўртача бир килограммлик мевада улар инсоннинг ушбу витаминларга бўлган кунлик талабига нисбатан 9,1; 0,43 ва 0,17 га тўғри келди.

10. Ўрганилган қовун дарахти навларининг органолептик баҳоси уларнинг умумий ўртача 4,4 ва 4,8 балл баҳога эга бўлган юқори товар ва озуқавий сифатларини аниқлаш имконини берди. Ўрганилган навлардан ушбу белгилар бўйича Solo нави ажралиб турди ва у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштириш учун тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари навлари давлат реестрига киритиш учун тавсия этилди.

11. Республика фермер хўжаликларига:

қовун дарахтининг уруғларини лаборатория ва дала унувчанлигини ошириш учун уларни сувда 16 ва 24 соат, шунингдек ИСК нинг 25мг/л сувли эритмасида 8 соат давомида ивитиш;

юқори сифатли қовун дарахти кўчатларини олиш учун уруғларни 15x15 см ҳажмли, торф, чиринди, биогумус каби моносубстратлар ёки уларнинг 0,4:0,2:0,4 нисбатдаги торф – кум – чиринди, биогумус – кум – чиринди каби комбинацияларидан иборат субстратлар билан тўлдирилган тувакчаларга экиш;

қовун дарахтини иссиқхона шароитида етиштиришда кўчатларни 3,5x3,5 м ёки 4,0x4,0 метр схемада экиш ва ҳар йили уларни N₁₆₀ P₇₀ K₄₀ кг/га ҳисобидан минерал ўғитлар билан озиклантириб туриш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АДИЛОВ ХИКМАТИЛЛА АБДУХАЛИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ИНТЕНСИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ДЫННОГО ДЕРЕВА (CARICA PAPAYA L.) В ТЕПЛИЦАХ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx180.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Буриев Хасан Чутбаевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кожаметов Советбек Кожаметович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Жураев Эркин Бахтиёрович
доктор сельскохозяйственных наук (PhD)

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт растениеводства**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 – этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 539047). (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки номер ___ от «___» _____ 2019 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент.

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Carica papeya L. (дынное дерево) по урожайности среди плодовых культур занимает первое место в мире. Его урожайность составляет 150 тонн с гектара. Листья папайи широко используются при лечении многих болезней пищеварительного тракта - язвы, колита, гастрита, помогают при запорах, уменьшают потребность в инсулине при диабете¹. В связи с этим, актуальной является задача интродукции в республику наиболее ценных в пищевом и фармакологическом отношении сортов папайи и разработке на их основе полного перечня агротехнических элементов выращивания культуры. Основными странами производителями папайи в мире, являются такие страны, как Индия, Бразилия, Индонезия, Австралия, Непал, США, ЮАР, Нигерия и другие, выращивающие более 12 млн. 700 тыс. тонн.

В ведущих странах мира, производящих продукцию папайи большое уделяется таким направлениям исследования в области выращивания папайи, как выведению новых высокопродуктивных сортов с хорошим качеством плодов, изучению биологических особенностей новых сортов и гибридов папайи, изучению биохимического состава плодов, переработке плодов, производству лекарственных препаратов, мерам борьбы с болезнями и вредителями растений. В Центральном Азиатском регионе научные исследования по технологии выращивания папайи до настоящего времени не проводились, за исключением изучения фармакологических свойств плодов с целью изготовления лекарственных препаратов, фито напитков, пищевых концентратов и настоев.

За последние годы в нашей республике был проведен ряд мер по обеспечению продовольственной безопасности и наиболее полного удовлетворения потребностей населения продукцией и расширению ассортимента плодовых культур. В результате этого, были достигнуты хорошие результаты по введению в культуру новых нетрадиционных плодовых культур. Одной из важнейших задач Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 г.г., предусмотрена «...оптимизация широкого использования научных достижений, передовых научных разработок и интенсивных агротехнологий в садоводстве и тепличном хозяйстве с учетом почвенно-климатических условий регионов».² Однако, недостаточное внимание уделено научным исследованиям по технологии выращивания и подбору наиболее урожайных сортов папайи как нетрадиционной культуры. В связи с недостаточностью фундаментальных научных исследований по выращиванию папайи в Узбекистане, а также отсутствием практических рекомендаций в данном направлении она сейчас выращивается на небольших площадях. Исходя из этого, подбор урожайных сортов и гибридов, изучение питательных и

¹ <http://www.virtualorchard.net/idfta/cft/2002/august/page67.pdf>; ² <http://www.worldatlas.com/articles/top-apple-producing-countries-in-the-world.html>

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

лечебных свойств плодов данной культуры, разработка основных элементов технологии её выращивания, популяризация папайи и среди фермерских хозяйств и населения является одной из наиболее актуальных направлений плодородческой отрасли.

